Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2010 йил — Баркамол авлод йили

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2010-YIL 12-FEVRAL, JUMA, 18 (7635) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

Тошкент Давлат Аграр Университетида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги илмий, олий таълим муассасаларининг ярмаркага тайёргарлигига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Унда уч юздан ортиқ истиқболли илмий ишланма намойиш этилди.

Пластик карточка — бу барча тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўлган нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг энг қулай ва маъқул шакли эканлигини молия муассасаси ходимлари яхши англаб етишган. Қулай ва ихчам "ҳамён" — пластик карточкалар мижозларга манзур бўлмоқда.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур — давлат арбоби, жасур саркарда, нозиктаъб шоир, синчков тарихнавис, зукко сиёсатчи, географ, этнограф, мусиқашунос, адабиётшунос... Унинг ҳаёти кескин зиддиятлар, ғалаба ва мағлубиятлар орасида ўтди. Ёш подшоҳ тахт тепасига келган пайтда мамлакат устида қора булутлар сузиб юрган, мураккаб сиёсий вазият ҳукмрон эди.

Ўзбекистон - Жанубий Корея:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Сеул, 11 февраль. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади)

Ўзбекистон ва Жанубий Кореяни катта масофа ажратиб туради. Шунга қарамай, Ўзбекистон ва Кореяни мустаҳкам дўстлик ришталари, халқларимизни тарихий маънавий яқинлик боғлаб туради. Бу яқинликнинг теран асослари бор. Иккинчи жаҳон уруши йилларида тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга келиб қолган корейсларга юртимизда қандай меҳр-мурувват кўрсатилганини Корея аҳли мамнуният билан ёдда тутади. Бағрикенглик, саховат, тотувлик, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик ўзбек ва корейс халқлари учун бирдек хос фазилатлардир. Маънавий яқинлик ўзаро ишонч ва ҳурматга асос бўлади.

Икки мамлакатнинг сиёсий муносабатлари ҳақида сўз кетганда, аввало, давлат раҳбарлари ўртасидаги самимий дўстликни таъкидлаш керак. Бу дўстлик Жанубий Корея Президенти Ли Мён Бак Сеул мэри бўлган йиллари бошланган. 2008 йилда Ли Мён Бак президент сайловида ғалаба қозониб, давлат раҳбари лавозимини эгаллагач, инаугурация маросимига олий фахрий меҳмон сифатида Ўзбекистон раҳбарини таклиф этди. 2009 йилнинг май ойида Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарлари Тошкентда учрашдилар.

Олий даражадаги учрашувларнинг мунтазамлиги муносабатларни ривожлантиришдаги фаолликдан далолат беради. Бундай учрашувлар ҳали томонлар ҳамкорликда ўзлаштирмаган янги соҳаларни кашф этишга, янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқишга йўл очади, янада манфаатли алоқалар истиқболини яқинлаштиради.

...Сеулда навбатдаги Ўзбекистон-Корея саммитига катта ҳозирлик кўрилган. Аэропортда, шаҳарнинг марказий кўчаларида икки давлат байроқлари ҳилпираяди, ўзбек ва корейс тилларида ёзилган қутлов сўзлари кўзга ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини "Чонг Ва Дэ" қароргоҳида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Ли Мён Бак шоҳсупага кўтарилдилар. Икки давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Президентларнинг яккамаякка суҳбатида Ислом Каримов ва Ли Мён Бак мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу саммит Жанубий Корея Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлигининг яна бир ёрқин далолати эканини, айни пайтда Тошкент ҳам Сеул билан алоқаларни юксак қадрлашини таъкидлади.

Ли Мён Бак ушбу учрашув ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини таҳлил этиш, истиқболда ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашиш учун қулай имконият эканлигини қайд этди.

Президентлар хавфсизлик масалаларини муҳокама қилдилар. Халқаро терроризм ва экстремизмга, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига қарши қураш ҳамкорлик, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш билан боғлиқ муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқаро сиёсат майдонида бир-бирининг ташаббусларини ёқлаб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб келади. Хусусан, Ли Мён Бак 2018 йилда бўладиган Қишки олимпия ўйинларига мезбонлик қилиш учун Пхёнчхан шаҳри номзодини қўллаб-қувватлагани учун Ўзбекистон томонига миннатдорлик изҳор этди.

Ўзбекистон Сеулнинг Корея яриморолидаги муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилиш масаласига ёндашувини, Корея Республикаси раҳбариятининг "Янги Осиё дипломатияси" ташаббуси ҳамда энергетик стратегиясини қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон раҳбари ташаббусининг самараси — Марказий Осиё ядро қуролидан холи ҳудудга айлангани Корея Республикасида юксак қадрланади. Таъкидлаш жоизки, Ислом Каримов ва Ли Мён Бак Шимолий Кореянинг ядросизлантирилиши Шимоли-Шарқий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг муҳим шарти экани борасида ҳамфикрдир.

Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Жанубий Корея нефтьгаз, кончилик, машинасозлик, автомобилсозлик, тўқимачилик, логистика, кимё саноати, қурилиш, ахборот-коммуникация технологиялари ва қатор бошқа соҳаларда кенг кўламли қўшма лойиҳаларни амалга оширмоқда. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Корея қўшма қўмитаси мунтазам йиғилишлар ўтказиб, алоқаларнинг янги қирраларини очиш, мазмунини бойитиш, савдо ва сармоя ҳажмини ошириш масалаларини кўриб чиқади. Энергетика ва табиий ресурслар бўйича идоралараро қўмита тузилган.

Ислом Каримов ва Ли Мён Бак икки томонлама муносабатлар 2006 йилда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация руҳида ривожланиб бораётганини таъкидладилар. Ушбу ташриф Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришига ишонч билдирилди.

Президентлар мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом этди. Унда асосий эътибор савдо-иқтисодий, сармоявий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Баркамол авлод — юрт келажаги

Шухрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги Қўштепа қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган 45-ихтисослаштирилган мактаб-интернатида 200 нафардан зиёд ўғил-қиз таҳсил олмоқда.

Биология ва кимё фанлари чуқур ўқитиладиган мазкур ўқув маскани 2009 йили таъмирланиб, замонавий талаблар асосида жиҳозланди. Ҳар йили мактаб-интернатнинг 90 фоиздан ортиқ битирувчиси олий ўқув юртларига ўқишга кирмоқда. Бундан ташқари, аниқ фанлар бўйича олимпиадаларда, турли интеллектуал танловларда қўштепалик ўқувчи-ёшлар фаол иштирок этиб келаётир.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТАШРИФИНИ КЕНГ ЁРИТМОҚДА

Сеул, 11 февраль. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади)

Корея Республикаси оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг давлат ташрифига катта эътибор қаратмоқда. Хусусан, матбуотда бугунги Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаёти, халқаро майдондаги ташаббуслари, Жанубий Корея билан муносабатларига бағишланган кўплаб материаллар эълон қилинмоқда.

"Корея Пост" ҳафталигининг ёзишича, "Ўзбекистон Республикаси Президенти жорий йилда Президент Ли Мён Бак томонидан Корея Республикасига таклиф қилинган биринчи давлат раҳбаридир". "2009 йилда Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз ўсди, жалб қилинган хорижий сармоя 33 фоиз, аҳолининг реал даромадлари эса 26,5 фоиз ошди".

Газетада "Ўзбекистон Президенти давлат ташрифи билан Кореяга келади", "Ўзбекистон-Корея: икки томонлама муносабатлар ривожланмоқда", "Ўзбекистондаги тарихий ўзгаришларнинг ташаббускори ва раҳнамоси", "Ўзбекистон "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида кореялик ишбилармонларга "Хуш келибсиз!" демоқда", "Ўзбекистон қонун ижодкорларини очиқ, транспарентлик асосида сайламоқда", "Тарихан дўст Корея ва Ўзбекистон бугун амалий ҳамкорликни ривожлантирмоқда" каби қатор материаллар берилган.

"Кореа Таймс" газетаси ҳам Ўзбекистон раҳбарининг ташрифига қатор мақолалар бағишлаган. "Ўзбекистон ишонч билан барқарор ривожланмоқда", "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасининг долзарблиги нимада?", "Ислом Каримов Корея билан икки томонлама алоқаларни ривожлантираётир", "Ислом Каримов портретига чизгилар" каби материаллар шулар жумласидандир. Газетада Миллий ассамблеянинг собиқ Спикери Ли Ман Супнинг мақоласи эълон қилинган. Унда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларнинг тарихи чуқур таҳлил қилинади ва 2006 йилдан бу муносабатлар фаол тус олгани қайд этилади. "2006 йилда томонлар Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзолаб, ўзаро муносабатларни энг олий босқичга кўтариш даврига ўтди. Жанубий Корея ва Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларидаги алоқаларни, айни пайтда халқаро майдондаги ҳамкорликни муваффақият билан ривожлантирмоқда", деб ёзади Ли Ман Суп.

"Корея Хералъд" газетаси ҳам Ўзбекистон раҳбарининг ташрифига алоҳида эътибор қаратди. Газетада Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатларига Президент Ислом Каримовнинг корейс тилида нашр этилган "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарига оид материаллар, шунингдек, "GM-ДЭУ" компанияси президенти Майкл Аркамоннинг мақоласи эълон қилинган. М.Аркамон Ўзбекистон эришаётган ютуқлар ўзига мамнуният бахш этишини таъкидлаб, Ўзбекистон қисқа муддатда янги русумдаги автомобиллар ишлаб чиқаришни ўзлаштирганини қайд этади. "Made in Uzbekistan" белгиси билан чиқарилган автомобиллар кўплаб мамлакатларга муваффақият билан экспорт қилинмоқда, улар ўзининг харидоргир, халқаро талабларга мос ва рақобатбардош эканини аллақачон исботлаб бўлди", деб таъкидлайди муаллиф.

(ЎзА)

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

АНДИЖОН вилояти фаоллари йиғилишида Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

Андижон вилояти ҳокими А.Усмонов бошқарган йиғилишда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар юксак самара бераётгани, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиб, реал даромадлари ошиб бораётгани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида барча жабҳаларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, йирик саноат корхоналарини модернизация қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қишлоқларнинг ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Буни Андижон вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўтган йили вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 9,6 фоизга ошди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 18,9 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 4,4 фоиз, пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 14,7 фоиз, чакана савдо айланмаси 14,5 фоиз кўпайди. Вилоятда ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, инвестиция жалб этиш, модернизациялаш борасида аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, 20 лойиҳа бўйича тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилди. Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган 22 корхона томонидан 51 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бунинг эвазига 34 миллион АҚШ доллари миқдоридаги валюта тежаб қолинди.

Йиғилишда қатор соҳаларда айрим камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилгани танқид қилинди. Жумладан, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланмаслик оқибатида Бўз, Булоқбоши, Марҳамат, Пахтаобод, Улуғнор каби туманларда Маҳаллийлаштириш дастури асосида сезиларли иш қилинмаган. "Иссиқлик манбаи", "Омадтранс" очиқ акциядорлик жамиятлари, "Андижон телеком" филиали йилни зарар билан якунлади. Асака, Избоскан, Жалақудуқ туманларида янги иш ўринлари яратишда сусткашликка йўл қўйилди.

Йиғилишда мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Андижон вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розиқулов сўзга чиқди.

* * *

САМАРҚАНДда вилоят фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор Президентимизнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросига қаратилди.

Вилоят ҳокими Ў.Барноев бошқарган йиғилишда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани, барча соҳаларда барқарор ўсиш суръатлари таъминланаётгани қайд этилди.

2009 йилда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 9,7 фоиз ўсди. Ишлаб чиқариш саноатда 12 фоиз, қишлоқ хўжалигида 5 фоиз ошди. Шунингдек, халқ истеъмоли моллларини ишлаб чиқариш 18,1 фоиз, чакана савдо 16,8 фоиз, хизматлар 21,6 фоиз, пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 33,1 фоиз кўпайди. Вилоят маҳаллий бюджетининг даромадлар қисми прогноз режаси 103,2 фоиз бажарилди.

Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳудудий дастури асосида йил давомида 65 лойиҳа бўйича 37,4 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя ўзлаштирилди. Натижада 149,8 миллиард сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилди, 14,2 миллион доллар миқдорида маҳсулот экспорт қилинди.

(Давоми 2-саҳифада)

ТАБИИЙ ГАЗ ТАЪМИНОТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Замонавий технологиялар кенг жорий этилиши ҳисобига тизимда узлуксизликни таъминлашга, экспорт ҳажмини оширишга эришилаётганлиги мамлакат иқтисодиёти ривожида муҳим аҳамият касб этаётир.

Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айлангани алоҳида таъкидланганди. Яна шу ўринда давлатимиз раҳбари ўтган Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида амалга оширилган ишлар жумласидан Қамчиқ довони орқали ўтадиган 165 километрлик "Оҳангарон-Пунгон" магистрал газ қувурининг ишга туширилиши ва натижада Фарғона водийси аҳолисини табиий газ билан ишончли таъминлаш имкони яратилганига ҳам алоҳида тўхталганди. Дарҳақиқат, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кечаётган бир пайтда мамлакатимизда барча соҳаларда, шу жумладан, табиий газ таъминотида ҳам қатор йирик лойиҳалар амалга оширилдики, бу ўтган йиллар мобайнида қўлга киритилган муваффақиятлар, тажрибалар ва изчил ислоҳотлар самарасидир, албатта.

(Давоми 2-саҳифада)



Qishloq hayoti — Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат", "Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

Ўзбекистон - Жанубий Корея:
ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Боши 1-саҳифада)

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан биридир. Унинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармояси 2 миллиард АҚШ долларидан ошди. Айниқса, нефть-газ, кончилик, нефть кимёси, логистика, қурилиш соҳаларида йирик лойиҳалар бор. Навоий шаҳридаги халқаро аэропорт негизида барпо этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зона бунга ёрқин мисолдир. Ушбу зонадаги қитъалараро интермодал логистика маркази МДҲда ягона бўлиб, у ерда юклар тезкорлик билан туширилади ва ортилади, тақсимланади, махсус омборларга жойлаштирилади. Осиёдан Европага ва Европадан Осиёга жўнатиладиган юклар глобал юк ташиш тармоғининг муҳим бўғинига айланадиган ана шу марказдан ўтади.

Таъкидлаш жоизки, хорижда мазкур эркин индустриал-иқтисодий зонага қизиқиш кучайиб бормоқда. 2009 йил март ойида Сеулда Ўзбекистонда сармоявий ҳамкорлик соҳасидаги янги имкониятларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Кореялик ишбилармонлар эркин индустриал-иқтисодий зонадаги қулайлик ва имтиёзлар билан атрофлича таништирилди. Натижада умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларидан ошадиган 35 сармоявий лойиҳа бўйича келишувларга эришилди. Бу шундан далолат берадики, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасини ривожлантириш икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидандир.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон айнан Жанубий Корея билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришнинг мураккаб, энг илғор технологиялар талаб қиладиган, тайёр маҳсулоти юксак даражадаги қўшимча қийматга эга турини ўзлаштириб, дунёдаги саноқли автомобилсоз давлатлар қаторидан ўрин олди.

"Корея газ корпорацияси" ("КОГАЗ") билан ҳамкорлик нафақат газ конларида геология-разведка ишларини олиб бориш ва конларни ўзлаштириш, балки йилига 445 минг тонна полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқаришни ҳам қамраб олган. Яъни, газ хомашёсини қайта ишлаб, юқори қўшимча қийматли маҳсулот чиқарилади. Бу лойиҳа доирасида 3,12 миллиард АҚШ доллари миқдорида Жанубий Корея сармоясини жалб қилиш режалаштирилмоқда.

Савдо алоқалари борасида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида 1992 йилдан энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинганини таъкидлаш жоиз. 2008 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми бир миллиард доллардан ошди. 2009 йилда эса бу кўрсаткич 1,2 миллиард долларни ташкил этди. Юртимизда 351 Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ушбу мамлакатнинг 91 фирма ва компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган.

Музокараларда Ислом Каримов ва Ли Мён Бак савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг бугунги ҳолатига юксак баҳо бердилар. Шу билан бирга, ҳозирга қадар эришилган натижалар Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг салоҳият ва имкониятларини тўлиқ акс эттирмаслиги таъкидланди. Имкониятларни тўла ишга солиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Гуманитар ҳамкорлик ҳам изчил ривожланиб бораётир. 1992 йилдан Тошкентда Корея таълим маркази фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институтида Корейс тили ва маданияти марказлари, Тошкент ахборот технологиялари университетида Ахборот технологиялари маркази очилган. Тошкентда "Ўзбекистон-Корея" касбга тайёрлаш марказини очиш лойиҳаси таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг яна бир муваффақияти бўлди. У ерда ҳар йили 360 йигит-қиз компьютер йиғиш, графика, электротехника, қишлоқ хўжалиги техникасини таъмирлаш, автомобилларга хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича тахсил олади.

1999 йили Тошкентда очилган "Ўзбекистон-Корея Республикаси" дўстлик жамияти маданий алоқаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Мунтазам равишда фестиваль, кўргазма, концерт ва бошқа кўплаб маданий тадбирлар ташкил қилинмоқда. Корея Республикасида ўтказилган "Марказий Осиё нафосати" фотокўргазмаси, "Сўғдиёна" ансамблининг "Ипак йўли руҳияти" концерти, "Ипак йўли" фестивали, ҳар йили Тошкентда бўладиган Корея маданияти ҳафталиги шулар жумласидандир. Кореялик хонанда ва созандалар Самарқандда ўтадиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида доим фаол иштирок этади.

— Ушбу ташриф мунтазамлик тусини олган ўзаро ишончли мулоқотларнинг мантиқий давомидир, — деди Ислом Каримов. — Биз синалган стратегик шерик мамлакат билан муносабатларни янада ривожлантириш тарафдоримиз. Сўнгги вақтларда мамлакатларимиз, айниқса, йирик қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш иншоотлари барпо этиш борасида фаол ва самарали ҳамкорлик қилмоқда.

— Дарҳақиқат, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар изчил ривожланмоқда, — деди Ли Мён Бак. — 2009 йил кўплаб давлатлар учун оғир келди. Ўзбекистон эса иқтисодий ўсишга эришди ва йирик халқаро лойиҳалар ижросини давом эттирди. Жанубий Корея Ўзбекистон билан барча соҳаларда ҳамкорлик қилади. Биз Ўзбекистон билан иқтисодиёт, таълим, маданият ва кўплаб бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш, айни пайтда халқаро майдонда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ҳукуматлари ўртасида 2008 йил 12 майда имзоланган 2008-2011 йилларда Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жамғармасининг (EDCF) имтиёзли кредитларларини тақдим этиш тўғрисидаги ҳадли битимга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги битим, муқобил энергия манбалари ва энергия тежаш технологияларини ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим, Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуини қуриш ва конни ўзлаштириш лойиҳасини амалга ошириш бўйича сармоявий битим имзоланди.

Умуман, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташрифи доирасида икки мамлакатнинг турли вазирлик ва идоралари ўртасида жами 16 ҳужжат имзоланди. Уларда инфратузилма, тиббиёт, атроф-муҳит муҳофазаси, ўсимликлар карантини, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги ва қатор бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, Тошкентда Сеул боғини барпо этиш кўзда тутилган.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Корея Республикаси Бош вазири Чон Ун Чан билан учрашди. Мулоқот чоғида ташриф асносида эришилган келишувларни амалиётга тўла ва муваффақиятли татбиқ этиш учун икки мамлакат ҳукуматлари ўртасидаги алоқаларни янада фаоллаштириш, уларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Президент Ислом Каримов Корея Республикаси Миллий ассамблеяси (парламенти) Спикери Ким Хёнг О билан ҳам музокара ўтказди. Давлатлараро муносабатларни ривожлантиришда олий қонун чиқарувчи органларнинг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида парламентлараро алоқалар кўламини янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари Корея Республикаси Миллий ёдгорлик мажмуига ташриф буюрди. Жанубий Кореянинг озодлиги йўлида жон фидо қилганлар хотирасига ҳурмат бажо келтириб, ёдгорлик пойига гул қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА)

ТАБИИЙ ГАЗ ТАЪМИНОТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

"Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси ва тизим ташкилотлари томонидан бу борада кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Биргина ўтган йили "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида белгиланган 271,1 километр ўрнига 293,4 километр узунликдаги таъмирталаб газ қувурлари мукаммал таъмирланди. Натижада қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳоли, ижтимоий инфратузилма ва иқтисодиёт объектларини узлуксиз ва бир маромда табиий газ билан таъминлашга замин яратилди. Бундан ташқари, табиий газ бормаган чекка ҳудудлардаги хонадонларга суюлтирилган газ етказиб бериш ишларини яхшилаш мақсадида, мавжуд 137 та суюлтирилган газ сақлаш омборлари таъмирланди, 55 та махсус сервис марказлари барпо этилди ва 30 минг дона маиший газ баллонлари олиб келинди. Газ таъминоти корхоналаридаги мавжуд 191 та махсус автотранспортлар воситасида аҳолига суюлтирилган газ етказиб бериш йўлга қўйилди. Қолаверса, бу борадаги ишларни янада кучайтириш мақсадида "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси орқали суюлтирилган газ ташишга мослаштирилган 150 та автотранспорт сотиб олиниб, жойларга етказиб берилди. Бу эса олис аҳоли пунктларида истиқомат қилаётган юртдошларимизни зангори олов билан таъминлаш даражасининг янада яхшиланганидан далолатдир.

Пойтахт вилоятининг Қибрай тумани Собир Раҳимов кўчасидаги хонадонлада замонавий газ ҳисоблаш ускуналари орқали газни етказиб бериш ва ҳисоблаш тажрибаси ўтказилди. Бу ерда жами 61 та хонадон мавжуд бўлиб, уларнинг барчасига ультратовушли УБГС ва мембранали электрон газ ҳисоблагичи ўрнатилган ҳамда ушбу ҳисоблагичлар модем алоқасига, сўнг тўғридан-тўғри "Қибрайтумангаз" филиали ва "Тошкентгазтаъминот"



унитар корхонаси АСУ бўлимига уланган. Мазкур ҳисоблагичнинг афзаллиги шундаки, ундан 10 дақиқа ичида мунтазам равишда газнинг ҳарорати ва сарфини таҳлил қилиб бориш мумкин. Агарда, истеъмолчининг газ учун тўлаган маблағи тугаб қолса, филиал оператори иш жойидан туриб автоматик равишда газ беришни тўхтатади. Абонент келиб то пул тўламагунча, газ сарфига йўл қўйилмайди. Бу ҳолатда, албатта, истеъмолчи доимо тўловни олдиндан амалга оширади. Бугунги кунда мазкур электрон газ ҳисоблагич ўрнатилган хонадонларнинг табиий газдан нафақат қарзлари йўқ, балки барчаси тўловларни олдиндан амалга оширган. Мазкур тажриба жараёни ниҳоясига етгач, кенг миқёсда ҳаётга татбиқ этилади. Президентимизнинг 2009 йил 23 июндаги "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2009-2010 йил кузгиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳам "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси томонидан тегишли вазифалар белгилаб олиниб, режа асосида қатор ишлар амалга оширилди.

Юқорида қайд этилган "Оҳангарон-Пунгон" ҳамда Янгиер-Фарғона магистрал газ қувурлари ишга тушириди. Термиз шаҳридаги умумий узунлиги 24,6 километр бўлган юқори босимли газ қувури тармоғи реконструкция қилинди.

Куз-қиш даврида истеъмолчиларни табиий газ билан узлуксиз таъминлаш мақсадида ер ости омборларига 2095 миллион м³ ҳажмдаги табиий газ жамғарилди.

"Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси томонидан белгиланган режа бўйича жорий йил мобайнида 251,1 километр узунликдаги газ қувурлари мукаммал таъмирланса, 171,5 километри реконструкция қилинади. Бунинг учун эса 26 млрд. сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, лизинг асосида 14 та экскаватор, яна шунча кўтарма кран ва бошқа зарур ускуналар сотиб олиш, газ тармоқларидаги беҳуда газ сизиб чиқиши ҳолатларини бартараф этиш мақсадида Киото протоколи доирасида чет эл инвесторлари билан ҳамкорлик қилиш орқали ушбу тармоқларни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш жорий йилда амалга оширилиши режалаштирилган муҳим ишлар жумласидандир.

Албатта, "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси ва тизим ташкилотларида фаолият кўрсатаётган соҳа фидойилари, тажрибали мутахассислар бундай масъулиятли вазифаларни ўз вақтида уддалашади. Натижада истеъмолчиларни табиий газ билан узлуксиз таъминлаш даражаси янада ошади, қолаверса, бу борадаги экспорт салоҳиятимиз ҳам юксалиб бораверади. Бу эса ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожида муҳим ўрин тутади.

Раимқул СУЯРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

(Боши 1-саҳифада)

Аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастури ва иқтисодий инқирозга қарши ишлаб чиқилган қўшимча чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 91,7 минг янги иш ўрни яратилди. Уларнинг 82,4 фоизи бевосита қишлоқ жойларида ташкил этилди.

Йиғилишда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида йўл қўйилган айрим камчиликлар ҳам атрофлича муҳокама этилди. Хусусан, айрим йирик саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш суръатлари пасайишига йўл қўйилгани, Самарқанд, Пайариқ, Пахтачи, Пастдарғом туманларида янги корхоналар ташкил этиш бўйича тегишли лойиҳалар амалга оширилмагани танқид қилинди. Шунингдек, енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарнинг мавжуд қувватларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Хорижий инвестицияларни жалб этиш, маҳсулот экспорти, тиббий соҳа, аҳолини иш билан таъминлаш борасида жойларда олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмас.

Бу каби камчилик ва нуқсонларга барҳам бериш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан йиғилишда аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Самарқанд вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розиқулов сўзга чиқди.

* * *

СУРХОНДАРЁ вилояти фаоллари йиғилиши 2009 йилда воҳани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг шу йил 29 январда Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланди. Йиғилишни Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Жўраев бошқарди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида вилоятда саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар тарафлама рағбатлантириш иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг муҳим омили бўлмоқда.

2009 йилда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 6,8 фоиз ўсди. Саноат маҳсулотлари 6,6, халқ истеъмоли моллари 5,1, пудрат ишлари 14,9, чакана савдо айланмаси 15,1, хизмат кўрсатиш ҳажми 21,6 фоизга кўпайди.

Вилоятда 88 инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобидан 3200 дан зиёд иш ўрни яратилди. Жумладан, пилла хомашёсини қайта ишлашга ихтисослашган, замонавий технология билан жиҳозланган «Сурхон-Термиз-Силк» хусусий корхонаси ишга туширилди. «Шингдонг-Спиннинг-Термиз», «Сурхонтекс», «Жаркўрғоннефтни қайта ишлаш» қўшма корхоналарига қўшимча инвестиция киритилгани маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини ошириш имконини берди.

«Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли орқали пассажир поезди қатнови йўлга қўйилди. Термиз давлат университетининг янги ўқув биноси фойдаланишга топширилди.

Йиғилишда ишлаб чиқаришни ривожлантиришда айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилгани қайд этилди. Хусусан, Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган Термиз туманидаги «Аслиддин» савдо-ишлаб чиқариш корхонаси, Қумқўрғон туманидаги «Сурхонкомбинати» акциядорлик жамияти, «Сурхоншифер» шўъба корхонасида полиэтилен қувур, девор панели, темир-бетон ва шифер маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича белгиланган йиллик кўрсаткичлар уддаланмади.

Йиғилишда қишлоқларда уй-жойларни комплекс қуриш лойиҳалари дастурининг, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, янги ижтимоий объектларни ишга тушириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, ички ва ташқи бозорга рақобатбардош маҳсулот етказиб бериш, иқтисодиётни таркибий ўзгартиришга доир инвестиция лойиҳаларининг ижросини таъминлаш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилди. Бу борада мутасадди раҳбарлар зиммасига аниқ вазифалар юклатилди.

Сурхондарё вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Хўжаев сўзга чиқди.

(ЎзА)

Касб-ҳунар коллежларида

Сирдарё Вилояти

КЕЛАЖАГИМИЗ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

Соғлом, етук, баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш мамлакатимизда давлат аҳамиятига молик масалалардан бири қилиб қўйилаётганлиги Президентимизнинг "Баркамол авлод йили" Давлат дастури тўғрисидаги қарорида ҳам ўз ифодасини топган. Ва бу борада коллеж, лицей ҳамда мактабларимизда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқдаки, бу улуғвор қадамлар ёшларга ғамхўрлик намунасидир.

Буни 7654 нафар ўғил-қиз касб-ҳунар сирларини ўрганаётган коллежимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Электрон ҳисоблаш машиналари тизими, бухгалтерия ҳисоби, автотранспорт воситаларини ишлатиш, маиший жиҳозларга хизмат кўрсатиш, саноат корхоналари учун электротехника ва радиотехника мутахассислари тайёрлаш ҳамда тикувчилик касби сирлари амалиёт билан пухта боғлаб ўргатилаётган илм масканимизда ахборот-ресурс маркази, компьютер ва лингафон хоналари, спорт зали мунтазам ишлаб турибди. Айниқса, ўқув қуроллари билан таъминланган кутубхонамизда 27 минг 241 та китоб, 46 турдаги дарсликлар бор.

Ёшлар бўш пайтларида жисмонан чиниқишлари учун 9 та спорт секцияси улар ихтиёрларига бериб қўйилган. Ўқувчиларимизнинг волейбол, баскетбол, шахмат, стол тенниси, шарқ якка кураши, таэквондо бўйича мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаб келаётганлиги ҳар жиҳатдан таҳсинга лойиқдир.

Бундан ташқари, коллежимизда 8 та фан тўгараги мунтазам фаолият кўрсатиб келаётир. Феруза Абдушоҳидова, Орзигул Бойматова, Иззатулла Мамарўзиев, Жаҳонгир Раҳматуллаев, Адҳам Аъзамов, Шуҳрат Хусанов каби ўқитувчи ва мастер-усталаримиз чуқур билим бериб, ёшларнинг ҳар жиҳатдан камол топишида ўз иқтидорларини намойиш этмоқдалар. Ўтган йили коллежимизни битирганларнинг 95 фоизи ишга жойлашди. Ишонч билан айтиш мумкинки, келажагимиз мана шундай ёшлар қўлидадир.

Фурқат НОРИЕВ,
Бахт енгил саноат касб-ҳунар коллежи директори.

Қашқадарё Вилояти

БИЛИМНИ АМАЛИЁТГА ПАЙВАСТА ЭТИБ

Барча жойларда бўлгани каби коллежимизда ҳам ёшларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада тажрибали ва изланувчан 51 нафар муҳандис-педагог ва 18 нафар ишлаб чиқариш усталаридан иборат меҳнат жамоамиз ўқувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириб, уларда бозор иқтисодиёти кўникмаларини шакллантиришда талайгина ишларни амалга оширишди.

Коллежда 890 нафар ёшлар 7 та йўналиш бўйича ўрта бўғин мутахассислари бўлиб камол топмоқда. Ўқитувчиларнинг замонавий педагогик технологиялар асосида билим бераётганликлари ўқувчиларнинг фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатишида, мустақил дунёқарашга эга бўлишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, ўқитувчилар Илёс Тўраев, Жалол Гулмуродов, Феруза Қодировалар давлат ҳуқуқи асослари, миллий истиқлол ғояси, инглиз тили фанларидан илмий-педагогик тажрибалари ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси тизимидаги коллежларда оммалаштирилган. Коллежимизда маънавият тарғибот маркази, "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилоти, ахборот-ресурс маркази фаолияти намунали йўлга қўйилганлиги боис, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун имкониятлар яратилмоқда. "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилоти етакчиси Насиба Усмонова ва ахборот-ресурс маркази раҳбари Гулсара Эсоновалар саъй-ҳаракати билан "Биз ҳеч кимдан кам бўлмаймиз", "Биз бахтли, доно авлод вакилларимиз", "Темурий маликалар", "Алпомиш авлодлари", "Энг яхши китобхон" мавзуларида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларда ёшлар билимдонлик фазилатларини намоён этмоқдалар. Ўқувчимиз Мафтуна Ярматова фан олимпиадаларининг вилоят босқичида информатика фанидан фахрли ўринни эгаллади.

Коллежимиз ўқувчилари олаётган назарий билимларини амалий машғулотлар орқали янада мустаҳкамлаб боришларида чилангарлик, мебелсозлик, тикувчилик сингари ишлаб чиқариш усталарининг алоҳида ўрни бор. Бўлғуси чилангар, мебелсоз усталар ва чеварлар касб-ҳунар сирларини ишлаб чиқариш усталари томонидан пухта ўзлаштиришмоқда.

Спорт инсонни чиниқтириб, иродасини тоблайди, ҳаёт синовларини енгиб ўтишда муҳим аҳамият касб этади. Ана шуни инобатга олган ҳолда жисмоний тарбия ўқитувчилари 8 та спорт тўгараклари машғулотларини юқори савияда ташкил этишга интилмоқдалар. Машғулотларда ўқувчилардан ташқари худуддаги Қорақўнғирот, Чавқай, Шакаржўй маҳаллалари ёшлари ҳам фаол қатнашишмоқда.

Президентимиз томонидан «Баркамол авлод йили» деб аталган 2010 йилда жамоамиз ёшлари элига садоқатли, фидойи, ватанпарвар қилиб камол топтириш борасидаги саъй-ҳаракатларимизни изчил давом эттириб, янада салмоқли натижаларга эришишга интилмоқда.

Ғофур БЕРДИЁРОВ,
Касби агросаноат коллежи директори.

Тошкент давлат аграр университетида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази ҳамкорлигида ўсимликлар ҳимоясига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Ўсимликлар ҳимоясига бағишланди

Тизим ташкилотлари вакиллари, соҳага доир институтлар олимлари, мутахассислари иштирок этган тадбирда республикамизда қишлоқ хўжалик экинларини зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишнинг аҳволи, ишлаб чиқаришга замонавий препаратларни тавсия этиш, биологик усулни такомиллаштириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Маълумки, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олишнинг асосий омилларидан бири ўсимликлар ҳимоясига боғлиқ. Турли зараркунанда, касаллик ва бегона ўтларнинг авж олиши ҳосилдорликка жиддий зиён етказади. Кейинги йилларда об-ҳавонинг ноқулай келиши уларнинг кўпайишига омил бўлмоқда. Ўтган йил об-ҳавосининг серёғин келиши ана шундай шароитни яратди. Хусусан, занг касаллиги авж олди.

Тадбирда жорий йилда амалга оширилиши зарур бўлган, кўпайиш хавфи мавжуд бўлган касаллик, зараркунанда ва бегона ўтларга қарши курашишдаги вазифалар белгилаб олинди. Ўсимликлар ҳимоясида ишлатиладиган биологик ва кимёвий препаратлар захирасини яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

Республикамизда ўсимликларнинг зараркунандаларига қарши ҳимоя асосан биологик усулда олиб борилади. Шу билан бирга самарали, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмайдиган кимёвий воситалардан ҳам фойдаланиб келиняпти. Бу борада нафақат юртимизда ишлаб чиқарилаётган препаратлар, балки хорижий компаниялар билан ҳам мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган. Ана шундай ҳамкорлардан бири Швейцариянинг — "SYNGENTA" фирмасидир. Тадбирда мутахассислар томонидан ушбу компания маҳсулотлари ҳамда уларнинг қўлланилиши борасида батафсил маълумот берилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

А.БОТИРОВ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида белгилаб берилган муҳим вазифалар ижроси — илмий-тадқиқот муассасалари ва иқтисодиётимизнинг реал сектори корхоналари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини қучайтириш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш мақсадида ўтказиб келинаётган ушбу тадбирга тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда. Тошкент давлат аграр университетида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги илмий, олий таълим муассасаларининг ана шу ярмаркага тайёргарлигига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

Унда уч юздан ортиқ истиқболли илмий ишланма намойиш этилди. Махсус комиссия 120 дан зиёд истиқболли, самарадорлиги юқори лойиҳа ва ишланмаларни танлаб олди ва Республика кўргазмасига тавсия этди.

— Мазкур илғор лойиҳаларнинг асосий қисмини қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилиги, уларни зараркунандалардан сақлаш, экинларга замонавий технологиялар ёрдамида ишлов бериш, чорвани турли хил касалликлардан ҳимоя қилиш, фермер хўжаликлари учун ихчам ускуналар, ресурсларни тежовчи ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини иқтисод қиладиган машина ва механизмлар яратиш каби ишланмалар ташкил этади, — дейди Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази директорининг биринчи ўринбосари Муҳаммаджон Тошболтаев. — Комиссия илмий ишланмаларни ўз фаолиятида жорий этган фермер хўжаликлари, ташкилотлар, машинасозлик заводларининг иқтисодий самарадорлигини оширадиган ҳамда харажатларни камайтирадиган техника ва технологияларга алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистон Ўсимликларни ҳимоя қилиш, Қорақўлчилик ва чўл экологияси, Ветеринария, Ипакчилик илмий-тадқиқот институтларида яратилган янги ишланмалар юқори технологияларга асосланганлиги, замонавийликни ўзида жамлагани билан аҳамиятлидир. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш институти олимлари бугунги даврнинг долзарб вазифаси — янги технология ва техникаларни амалиётга татбиқ этишни мақсад қилган. Бу эса уларнинг лойиҳа ва ишланмаларида ўз ифодасини топган.

Олий таълим муассасаларининг мутахассислари, илмий тадқиқотчилари тақдим этаётган лойиҳаларни эса кашфиёт деса бўлади. Бир сўз билан ҳар бир лойиҳани келажак технологияси деб аташ мумкин.

Кўргазмада ишлаб чиқариш, маҳсулотни қайта ишлаш корхоналари, ташкилотларнинг иштирок этиши инновацион лойиҳаларни амалиётга татбиқ этишга шароит яратади.

Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Навоий Вилояти

Юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида халқимиз турмуш даражаси ошиб бормоқда. Иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим омил бўлган қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор қаратиляпти. Навоий вилояти ғаллакор ва пахтакорлари кейинги йилларда бир қатор ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бунда минтақадаги фермер ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарини молиявий томондан қўллаб-қувватлаб келаётган "Агробанк" Навоий вилояти бошқармаси жамоасининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

Қулай ва ихчам "ҳамён"

Бугунги кунда банкнинг 8 та филиали ҳамда 13 та мини банклари томонидан мижозларга хизмат кўрсатилмоқда. Мижозлар сони эса 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан 681 тага кўпайиб, 9295 тани ташкил этмоқда.

Аҳолининг бўш пул маблағларини омонатга жалб қилиш, омонатчиларнинг биринчи талаби бўйича маблағларнинг берилиши яхши йўлга қўйилганлиги туфайли жисмоний шахслар депозитлари салмоғи тобора ортиб боряпти. Банкнинг шаҳар ва туман филиалларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги "Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талабларининг бажарилиши бўйича ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. Хусусан, банк томонидан жорий этилган юқори фоизли "Тараққиёт", "Олтин куз", "Яхши ният" каби омонат турларига мижозларнинг қизиқишлари кундан-кунга ошиб бормоқда. 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра жами депозитлар қолдиғи 8,9 миллиард сўмни ташкил этиб, 2009 йил 1 январь ҳолатига нисбатан бу кўрсаткич 3,6 миллиард сўмга кўпайди.

Маълумки, мижоз ўзининг бўш маблағини банкка қўймасдан аввал у ердаги шарт-шароит, тартиб-интизом билан қизиқади. Қолаверса, даромад фоизининг юқорилиги ва маблағи ўз вақтида олинишининг кафолатланишига алоҳида эътибор беради. Ана шу масалалар эса доимо мазкур молиявий муассасанинг диққат марказида турибди.

Шунингдек, банк хизматлари, коммунал тўловларни қабул қилиш ва омонатлар бўйича ҳам бир қатор режали ишлар амалга оширилди. Келинг, яхшиси фикрларимизни аниқ рақамлар ёрдамида ифодалай қолайлик. Туманларда нақд пул тушумини кўпайтириш учун 2009 йил давомида аҳоли гавжум жойларда уларга савдо хизмати кўрсатувчи 9 та савдо дўконларини замон талабига мос равишда таъмирлаш ҳамда қуриш учун жами 331 миллион сўм кредит ажратилди. Бошқарманинг туман филиаллари томонидан 2009 йили 69,4 миллиард сўм муомалага чиқарилиб, шундан 42,8 миллиард сўми биринчи даражали ижтимоий тўловларга йўналтирилди.

Пластик карточка — бу барча тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўлган нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг энг қулай ва маъқул шакли эканлигини молия муассасаси ходимлари яхши англаб етишган. Қулай ва ихчам "ҳамён" — пластик карточкалар мижозларга манзур бўлмоқда.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш бўйича ҳам сезиларли ишлар уддаланмоқда. Масалан, туман филиалларида 2009 йил 1 январь ҳолатига мижозлар ўртасида жойлаштирилган пластик карточкаларнинг умумий сони 46162 тани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилнинг 1 январь ҳолатида эса 5041 тага кўпайиб, 51223 тани ташкил этди, — дейди пул муомаласи бўлими бошлиғи Эркин Ўроқов. — Бундан ташқари, вилоятимиз ҳудудида жойлашган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўрнатилган терминаллар тармоғи сони 2009 йил 1 январда 224 тани ташкил этган бўлса, йил давомида яна қўшимча 432 та терминаллар ўрнатилиб, 656 тани ташкил этди. Терминаллар тармоғи орқали амалга оширилган савдо айланмаси 2009 йил 1 январь ҳолатига 906,4 миллион сўм бўлган эди. Бу кўрсаткич йил давомида 1293,6 миллион сўмга кўпайиб, 2,2 миллиард сўмни ташкил этди.

Бошқарма томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликларига кредит ҳисобидан Германияда ишлаб чиқарилган замонавий "Клаас", "Доминатор-130" ғалла ўриш комбайни, "МТЗ-80", "Белорусь-80Х", "МХ-140" русумли тракторлар олиб берилди. Техника — деҳқон қаноти эканлигини яхши англаб етган молия муассасаси жамоаси 2010 йили ҳам деҳқонга иш давомида асқотадиган техникалар олиб беришни давом эттирмоқда.

— Аҳоли билан яқиндан ҳамкорлик қилинаётганлиги, уларга турли қулайликлар яратилаётганлиги, ходимларнинг малакасини ошириш бўйича мунтазам иш олиб борилаётганлиги банкка мижозларни жалб қилишда муҳим омил бўлаётир, — дейди "Агробанк"нинг Навоий вилояти бошқармаси ўринбосари Голиб Содиқов. — Айни кунларда бошқа хизмат турларини такомиллаштириш, мижозларга жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган даражада хизмат кўрсатиш борасида ҳам мунтазам изланишлар олиб борилмоқда. Мақсадимиз мижозларга намунали банк хизмати кўрсатишдан иборат.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Ғаллани озиқлантиришда Гумимаксдан фойдаланиш

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида салмоқли натижалар қўлга киритилди. Муҳтарам Президентимизнинг йўл-йўриқ ва кўрсатмалари, мамлакат ҳукуматининг изчил саъй-ҳаракати билан деҳқончилик самарадорлиги янги босқичга кўтарилди. Ғалла-чиликда катта ютуқларга эришилди: мамлакатнинг дон мустақиллиги таъминланди ва четга буғдой экспорт қилиш йўлга қўйилди. Бунга деҳқончилик маданиятини юксалтириш, агротехника талабларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, ҳар бир минтақа тупроқ-иқлим шароитига мос ғалла навларининг жойлаштирилиши ҳамда юқори сифатли уруғликдан фойдаланиш туфайли эришилди.

Ўсимликларнинг яхши туплаши озиқа элементлари билан қай даражада таъминланганлигига ҳам боғлиқ. Шунинг учун кузги буғдойни озиқлантиришни кечиктирмай бошлаш лозим.

Кези келганда буғдой ҳосилининг 5 фоизи зararли ҳашаротлар, 9 фоиздан кўпроғи касалликлар, 10 фоизга яқини бегона ўтлар туфайли йўқотилишини ҳам унутмаслик, ўсимликларни озиқлантиришда уларнинг мана шу зараркунандаларга нисбатан чидамлилигини оширувчи, таркибида макро ва микроэлементларнинг зарур балансига эга, экиннинг ривожи учун самарали таъсир кўрсатувчи биологик фаол моддаларга бой ўғитлар ва препаратлардан фойдаланиш, албатта, фойдадан хали бўлмайди. Ана шундай юқори самарали, ишлатиш учун қулай, замонавий препаратлардан бири суюқ "Гумимакс — двойная сила" ўғитидир.

Мазкур препарат паст даражали ҳароратда торфдан ажратиб олинган ва турли биологик фаол моддалар билан бойитилган микроорганик ўғит бўлиб, унинг таркибида ўсимликлар ҳаёти учун жуда зарур бирикмалар: гумин ва фульвокислоталарнинг асосан калийли ҳамда оз миқдордаги натрийли тузлари, 18 хил микроэлемент, 15 номдаги аминокислота, кўплаб фермент ва ўсимлик гормонлари мавжуд.

Шунинг учун ҳам у юқори самарали стимулятор, адаптоген, антидот ва иммуномодулятор бўлиб, ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнларини жадаллаштиради. Ноқулай шароит (сув танқислиги, иссиқ, совуқ, тупроқ шўрланиши) ва бошқа ҳолатларга, касалликлар ва ҳашаротларга қарши чидамлилигини оширади, тупроқдаги озиқ моддалар ва ўғитларни ўсимликлар томонидан ўзлаштирилишини яхшилайди. Шунингдек, пестицидларнинг маданий ўсимликларга заҳарли таъсирини камайтиради, ўсимлик маҳсулотларида зararли моддалар — нитратлар, радионуклидлар, оғир металлар, пестицид қолдиқлари миқдорини камайтиради. Бундан ташқари, ҳосилдорликни ошириб, ғалланинг пишиб етилишини тезлаштиради, мўл ва эрта пишар ҳосил етиштирилишини таъминлайди, доннинг сифатини яхшилайди: маҳсулотдаги оқсил клейковина, қанд ва витаминлар миқдорини кўпайтиради.

Агромаслаҳатхона

Ўзбекистон Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти олимлари томонидан институтнинг Қибрай туманидаги тажриба даласида ҳамда Зангиота туманидаги базасида, шунингдек, Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институти мутахассислари томонидан Андижон туманида ўтказилган тажрибаларда Гумимакс таъсирида буғдой ўсимлигининг ҳосилдорлиги гектарига 4,8-5,7 центнергача кўпайиши ва дондаги клейковина миқдорининг ҳам бирмунча ортиши аниқланган. Қатор илмий-тадқиқот муассасаларида ҳамда ишлаб чиқариш муҳитида ўтказилган тажрибаларда ҳам Гумимакснинг юқори самарадорлиги тасдиқланди.

Гумимаксдан занг касалликларига қарши фунгидцид эритмалари билан бирга қўшиб фойдаланиш, айниқса, яхши натижа беради. Бунда Гумимакс ўсимликларнинг замбуруғ таъсирига нисбатан чидамлилигини ошириш баробарида экиндаги касаллик аломатлари ва оқибатларини тезда бартараф этишда самарадорлик кўрсатади.

Гумимаксдан фойдаланиш жуда осон ва ҳеч қандай қўшимча харажат талаб қилмайди, чунки уни ўғит суспензияси, гербицидлар ва бошқа пестицидларнинг эритмаларига қўшиб ишлатиш мумкин. Уни ишлаб чиқаришда қўлланилган махсус технология препарат эритмасини ўсимликларга пуркаш жараёнида агрегат учликларининг (форсункаларини) тиқилишига йўл қўймайди.

Гумимакс соф ҳолда ишлатилганда ҳамда пестицид эритмаларига қўшиб ишлатилганда буғдойнинг туплаш даврида гектарига 0,2 литр, найчалаш даврининг бошида гектарига 0,3 литрдан, ўғит суспензиясига қўшиб ишлатилганда пуркаш муддатларига мос равишда гектарига 0,15 ва 0,2 литр ҳисобидан ишлатиш тавсия этилади.

Пуркаш олдидан агрегат бакининг тўла ҳажми (бир заправкаси) билан қанча майдондаги экинга ишлов бериш мумкинлиги аниқланади. Сўнгра ярим қилиб сув тўлдирилган пуркагич бакларига керакли миқдорда ўлчаб олиниб, сувда эритилган ўғит (карбамид) суспензияси ёки зарур миқдордаги пестицид эритмаси, кейин керакли миқдордаги Гумимакс эритмаси қуйилади. Баклар сув билан тўлдирилгач, эритма яхшилаб аралаштирилади ва ўша кундаёқ ишлатилади.

Одатда пуркаш ишлари шамолнинг тезлиги секундига 3-4 метрдан ошмаганда куннинг салқин пайтида ўсимлик баргларининг бир текис намланишига эътибор берган ҳолда амалга оширилади. Ёғингарчилик эҳтимоли бўлганда ишни ёғингарчилик бошланишидан 3-4 соат илгари якунланишини таъминлаш, акс ҳолда ишни тўхатиш талаб этилади.

Гумимакс табиий бирикмалардан таркиб топган препарат бўлганлиги учун ундан фойдаланишда шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш кифоя. Аммо уни пестицидлар билан қўшиб ишлатишда заҳарли кимёвий воситалар билан ишлашда жорий этилган барча ҳимоя чораларига қатъий амал қилиш талаб этилади.

Иш пайтида ичиш, чекиш ва овқатланиш ман этилади, коржома ва бошқа ҳимоя воситаларини ечиб, яхшилаб ювингандан кейин овқатланиш ва дам олишга рухсат этилади.

Мардон ТЎРАЕВ,
биология фанлари номзоди.

Қарор ва ижро

Экиннинг пайҳони – ҳосил заволи

Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ хўжалиги экинзорларининг пайҳон қилинишига қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида Самарқанд вилоятида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоят адлия бошқармаси ходимлари, ҳокимлик мутахассислари, ИИБ, маҳаллалар билан ҳамкорликда экинзорларни пайҳон қилишга қарши курашиш юзасидан тарғибот тадбирлари ишлаб чиқилиб, мунтазам равишда қишлоқ аҳолиси ўртасида учрашувлар ўтказилмоқда. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ҳамда давра суҳбати ва семинарлар, пайҳонга доир жиноий ва маъмурий жавобгарликлар назарда тутилган қонун нормаларини тарғиб қилиш бўйича буклет ва плакатлар тарқатилаётгани, айниқса, самарали бўляпти.

Жамоатчиликнинг саъй-ҳаракатлари билан қишлоқ хўжалик корхоналари ва фермер хўжаликлари раҳбарлари қонун бузилишларнинг олдини олиш бўйича мунтазам ўтказилган рейдлар ҳам кўнгилсиз ҳолатларга барҳам беряпти.

Экинзорларнинг пайҳон қилиниши эҳтимоли бўлган жойларда эса 73 та гуруҳ тузилиб, 284 та кузатув постлари ташкил этилди. Бу ишга 867 нафар дала қоровули ва 361 нафар ички ишлар ходими жалб қилинган. Шунингдек, 275 минг 900 метр майдон четан девор билан ўралган. Бундай тадбирлар изсиз кетмаяпти. Жумладан, аввалги йилларга нисбатан қонун бузилиш ҳолатлари анча камайган. Шунга қарамай, бир марта бўлса-да, ризқ-рўзимиз етиштирилаётган буғдойзорларнинг эътиборсизлик туфайли пайҳон этилиши ҳар қандай киши кўнглини хира қилади.

Бир мисол: мутахассислар маълумотига кўра, қисқа муддатда вилоят бўйича 9 жойда 0,37 гектар майдондаги экин 17 бош қорамол ва 5 бош қўйэчки эгаларининг боқибеғамлиги оқибатида пайҳон қилиниб, бир неча юз минг сўмлик зарар етказилганлигини қандай баҳолаш мумкин?!

Хулоса қилиб айтганда, пайҳонга қарши курашиш фақатгина ички ишлар ёки дала қоровуллари ва қишлоқ хўжалик ходимларининг эмас, балки ҳар биримизнинг бурчимизга айланиши керак. Зеро, далада дон мўл етилса, хирмонга тушади. Бу — ҳар бир хонадонга барака ва насиба киргани билан баробардир.

Ахрор РАҲМАТОВ,
Самарқанд вилояти Адлия бошқармасининг етакчи маслаҳатчиси.

Жиззах Вилояти

Дўстлик туманида баҳорги экиш мавсумига тайёргарлик ишлари якунланмоқда. Чигит экиладиган ер майдонларини текислаш, тупроқ шўрини ювиш, далаларга маъданли ва маҳаллий ўғит чиқариш каби ишлар бу йил ҳар доимгидан сифатли, барвақт амалга ошириляпти. Шу кунларда туман далаларида ўндан ортиқ кенг қанотли, 18 та "МТЗ-80" ва "МТЗ-100" тракторларига тиркалган ўрта кенгликдаги текислагичлар ер текислаётган бўлса, тажрибали сувчилар пол олинган далаларда тупроқ шўрини ювмоқда.

Бу ишларнинг барчаси Қосим Раҳимов номли сувдан фойдаланувчилар уюшмасида бугун-эрта ниҳоясига етказилади. Уюшма чўлқуварлари бу йил 2600 гектар майдонда пахта етиштириб, ҳар гектар пахтазор ҳосилдорлигини бултургидан 5 центнерга ошириш ниятида меҳнат қилишяпти.

СУРАТДА: *уюшманинг "Машъал" фермер хўжалиги механизаторлари Шуҳрат Мирфозилов (чапда) ва Бахтиёржон Қосимовлар текисланадиган ер майдонини кўздан кечирмоқдалар.*

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ олган сурат.

Сурхондарё Вилояти

ШЕРОБОДДА ЦЕМЕНТ ЗАВОДИ

Шеробод туманининг "Бешбулоқ" массивида цемент заводи қурилиши бошланди. Бу бунёдкорлик иши Жанубий Корея мамлакати ишбилармонлари билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Айни пайтда Кўҳитанг тоғининг юриш қийин бўлган жойларида йўл қуриш, текислаш ишлари бажарилмоқда.

Цемент заводи шу йил охиригача ишга тушади.

Жуманазар АНОРОВ

Тошкент ш. Миробод т. тадбиркорлар субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан рўйхатга олинган "DAR-LUX TRAVEL" МЧЖ (ИНН 207057994, ОКОНХ 91620) тугатилади (умумий йиғилишнинг № 1-қарори ва санаси 09.02.2010 й.). Даъво аризалари бўйича маълумот учун тел.: (+99897) 333-44-64.

Собиқ Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъат мактаб-интернати томонидан 2007 йили Исроилов Фахриддин Ширинбой ўғли номига берилган И № 2906218 рақамли 9-синфни тугатганлик ҳақидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утеряна паспорт за № СА 2555759 от 17.06.2008 г., выданный М.Улугбекским ИИБ на имя Юлдашевой Гульчехры Розимовной. Нашедшим просьба вернуть за вознаграждение. Тел.: 185-34-94.

Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. ҳокимияти Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатга олинган "NASTARIN" МЧЖнинг "QORAQAMICH DORIXONALARI" МЧЖга қўшилиши муносабати билан даъволар 246-73-13 телефони орқали қабул қилинади.

"O'ZO'QUVLOYIHA" МЧЖнинг (ИНН 201037595, ОКОНХ 66000) Устав фонди 12 689 600 (ўн икки миллион олти юз саксон тўққиз минг олти юз) сўмдан 8 247 790 (саккиз миллион икки юз қирқ етти минг етти юз тўқсон) сўмгача камайтирилди. Мурожаат учун манзил: Тошкент ш. Юнусобод т. Ниёзбек йўли к. 6-уй.

Тошкент ш. С.Раҳимов т. ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "NUR OMAD MEBEL" хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "NUR OMAD MEBEL" МЧЖга ўзгаришини маълум қилади.

ООО "KOKO SARANG", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чилазарского р-на г.Ташкента, ликвидируется (Решение директора № 2 от 10.02.2010 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 773-21-51.

ЧП "TIBASHYO", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского р-на г.Ташкента, ликвидируется (приказ директора № 1 от 10.02.2010 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 171-92-76.

Деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари диққатига!

Шоли ва соя уруғлари сотилади

Ўзбекистон Шоличилик илмий-тадқиқот институти шолининг юқори сифатли суперэлита ва элита уруғликларидан узун гуручли "Лазурный", "Искандар" (Аланга-3), "Истиқлол" навларини ҳамда юмалоқ гуручли "Авангард", "Мустақиллик", "ЎзРОС-7/13", "Истиқбол" навларини, соянинг "Ўзбек-6" ва "Орзу" навли элита уруғларини ўз омборидан келишилган нархларда сотади.

ШОЛИ НАВЛАРИ	ЎСУВ ДАВРИ
1. "Авангард"	117-125 кун
2. "ЎзРОС-7/13"	135-140 кун
3. "Искандар" (Аланга-3)	118-122 кун
4. "Мустақиллик"	137-142 кун
5. "Истиқлол"	125-127 кун
6. "Истиқбол"	115-120 кун
7. "Лазурный"	128-132 кун
СОЯ НАВИ	**ЎСУВ ДАВРИ**
1. "Ўзбек-6"	140-145 кун
2. "Орзу"	95-100 кун

МАНЗИЛИМИЗ: 111506, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Шоликор маҳалласи, Ўзбекистон Шоличилик илмий-тадқиқот институти.
Тел: (+998) 90-316-05-95, (+998) 90-316-05-94, (+998) 94-693-53-08, (+998) 90-919-11-60.
E-mail: saimnazarov@gmail.uz

Барча турдаги корхоналар ва ташкилотлар диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМҒАРМАСИНИ БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот 1-5:

Лот-1: "Андижон вилояти Андижон туманидаги "Бобогози" хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи **749 988 082 сўм;** ишларнинг тугалланиш муддати — **18 ой.**

Лот-2: "Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги "Ойдинкўл-1" коллектори тизимидаги ёпиқ-ётиқ дренажни реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи **216 417 578 сўм;** ишларнинг тугалланиш муддати — **12 ой.**

Лот-3: "Андижон вилояти Андижон туманидаги "Қорадарёга параллел" коллекторига ташлама иншооти қуриш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи **94 535 680 сўм;** ишларнинг тугалланиш муддати — **4 ой.**

Лот-4: "Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги "3-К" коллектор тизимидаги хўжаликлараро коллектор қуриш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи **1 320 381 294 сўм;** ишларнинг тугалланиш муддати — **13 ой.**

Лот-5 "Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги "7-К-8" хўжаликлараро коллектори тизимини реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи **848 796 015 сўм;** ишларнинг тугалланиш муддати — **13 ой.**

Буюртмачи: Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти.

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри Истиқлол кўчаси 29-уй.

Лойиҳалар мелиорация жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Тошкент вилояти ҳокимлиги "Тошконсалтингстройторг" давлат корхонаси.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчи ташкилотлари танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади: иштирокчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш)даги тендер таклифлари иштирокчиларнинг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Тошкент вилояти ҳокимлигининг "Тошконсалтингстройторг" давлат корхонасига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 18-уй. 311-308-хоналар. Тел: 241-15-26, 241-15-32.

Танлов ҳужжатларининг бир тўплам қиймати — 120 000 (Бир юз йигирма минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб камида 20 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри Истиқлол кўчаси 29-уйда ўтказилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

6-СОН ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТТА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

"Бухоро вилоятидаги "Жуйзар" канали иншоотларини қайта қуриш"

Буюртманинг бошланғич нархи — **ҚҚС билан 575 638,58 минг сўм; ҚҚСсиз 479 698,82 минг сўм.**

Қурилиш муддати — 12 ой.

Қурилиш ишлари: Республика бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: Бухоро шаҳри Ширбуддин кўчаси, 2-муолиш. Тел.: (8-365) 225-15-40.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган иншоотга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 5-уй. 18-хона.

Тел: (8-365) 223-96-29; факс: 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 (Олтмиш минг) сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 5-уй. 18-хона.

ООО "ORZU-TEZKOR" реорганизуется в форме выделения в результате чего образуется ООО "ORZU STUDIO". Требования кредиторов в течении двух месяцев берет на себя ООО "ORZU-TEZKOR", находящиеся по адресу: г.Ташкент Юнусабад-4, д.1

Тошкент ш. Чилонзор т. ҳокимлиги томонидан 21 июль 2004 йили "URO-DENT-TIB" МЧЖга берилган реестр тартиб рақами 000558-08 сонли юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

14 февраль – Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

Юрт соғинчи билан яшаган шоир

"Бобур — дилбар шахс... Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган", деб ёзган эди ҳинд халқининг атоқли намояндаси Жавоҳарлаъл Неру. Бобур Амир Темур авлоди эди. У бобоси изидан борди, унинг тузукларини салтанатни бошқаришда дастуруламал деб билди ва давлатни адолат билан идора қилди. Ҳинд халқининг Бобур ва бобурийларга меҳри баландлиги бежиз эмас. Чунки бу сулола вакиллари бунёдкорлиги, илм-фан, маданият тарафдори ва ҳомийси эканлиги, халқпарварлиги билан Ҳиндистон тарихидан мустаҳкам ўрин олди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур — давлат арбоби, жасур саркарда, позиктаъб шоир, синчков тарихнавис, зукко сиёсатчи, географ, этнограф, мусиқашунос, адабиётшунос... Унинг ҳаёти кескин зиддиятлар, ғалаба ва мағлубиятлар орасида ўтди. "Тенгри таолонинг иноятн билан ва ҳазрати он Саврари коинотнинг шафоати билан ва чаҳорёри босафоларнинг ҳиммати билан сешанба куни рамазон ойининг бешида тарих саккиз юз тўқсон тўққузда Фарғона вилоятида ўн икки ёшта пошоҳ бўлдум", деб ёзади у шоҳ асари "Бобурнома"да. Ёш подшоҳ тахт тепасига келган пайтда мамлакат устида қора булутлар сузиб юрган, мураккаб сиёсий вазият ҳукмрон эди. Андижон устига қўшин тортган Султон Аҳмад мирзо Қувада кечувдан ўтаётиб, кўп талафот беради ва сулҳ тузишга мажбур бўлади.

Мамлакатни бошқаришдек масъулиятли вазифа Бобурни жуда тез улғайтирди. Алишер Навоий Бобурга у Самарқанд тахтида бўлганида мактуб йўллади. Ўз навбатида, Бобур ҳам ўзи ҳаддан зиёд ҳурмат қилган ва суҳбатига орзуманд бўлгани алломага мактуб ҳамда туркий тилда бир рубоий битиб юборди.

Афсуски, унга узоқ муддат Самарқандда бўлиш насиб қилмади. Вазият тақозоси билан Бобур "юз қаролиғ" деб ҳисобласа-да, Кобул ва Ҳиндистон "сори юзланди". Шоир ижодида Ватан соғинчи ва ватанпарварлик ғояларининг юксак пардаларда тараннум этилгани ана шундан. Гарчи Бобур қудратли давлат ҳукмдори бўлса-да, бу унинг дардига малҳам бўлолмади, у бир умр Ватан ишқи билан яшади ва бу мавзуда бетакрор асарлар яратди. Унинг 1528 йили Андижонга — Хўжа Калонга ёзган мактубида шундай сатрлар бор: "Бизнинг эҳтимомимиз ул сарилар бормоққа беҳад ва бағояттур. Ҳиндустон ишлари ҳам бир навъ сомон топиб келадур... Ул вилоятларнинг латофатларини киши нечук унутқай... Бу фурсатта бир қовун келтуруб эдилар, кесиб егач, ғариб таъсир қилди, тамом йиғлаб эдим". Бобур Ватан соғинчини бир қадар босиш учун Кобул ва Ҳиндистон тупроғида она юртининг қовун-тарвузини, меваларини етиштиришга фармон берди, паноҳ истаб борган юртдошларига мурувват кўрсатди.

"Бобурнома" — қимматли маълумотлари, жозибали тили ва ифода услубига кўра бебаҳо асар. Даставвал "Вақоъе" ("Воқеалар"), кейинроқ "Воқеоти Бобурий", "Воқеанома", "Тузуки Бобурий", "Бобурия" деб аталган ва ниҳоят "Бобурнома" номи билан машҳур бўлган бу асар Европага XVIII аср бошларида кириб борди. Мазкур мемуар асарнинг ўндан ортиқ қўлёзма нусхалари бугунги кунда жаҳоннинг турли кутубхоналарида сақланмоқда. 1705 йилда Витсен уни голланд тилига таржима қилиб, Амстердамда чоп эттирди. Рашит Раҳмати Орат асарни туркчага, Михаил Салье эса русчага ўгирди. 1826-1985 йиллар давомида "Бобурнома" 4 маротаба инглиз, 3 маротаба француз, 1 маротаба немис тилига таржима қилинди ва нашр этилди.

Бобур ижоди мавзу кўлами жаҳатидан кенг, жанрига кўра ранг-баранг. Унинг "Мубаййин ал-закот" рисоласи фарзанди — валиаҳд Ҳумоюн мирзога атаб ёзилган бўлса, "Мухтасар" асари адабиёт илмига дахлдор. У Алишер Навоийнинг "Мезон ул-авзон"идан кейин аруз илмига бағишланган иккинчи асардир. Шоир шеърлари 1519 йилда Кобулда, 1528 йилда Ҳиндистонда тартиб берилган девонларда жамланган. Бироқ Кобул девони бизгача етиб келмаган. Бобурнинг саркардалик, мусиқий салоҳияти ҳосиласи бўлган "Ҳарб иши" ва "Мусиқа илми" асарлари ҳам ҳали-ҳануз топилмаган. 20 ёшли Бобурнинг "Хатти Бобурий" ёзувини кашф этиши ҳам унинг нечоғли билимдон шахс бўлганидан далолат беради. Шунингдек, Бобур Хўжа Аҳрорнинг "Волидия" асарини ҳам шеърий йўл билан ўзбекчага таржима қилган.

Мана неча асрдирки, буюк аждодимизнинг ҳаёти ва фаолияти дунё аҳли диққат-эътиборини жалб этиб келмоқда. Буни у ҳақда яратилган ва яратилаётган илмий тадқиқотлар ҳамда бадиий асарларнинг кўплигидан билса бўлади. Флора Анна Стилнинг "Бобурхон" (Париж, 1940 йил), Фернард Гренарднинг "Бобур" (Париж, 1930 йил), Харольд Лембнинг "Бобур — йўлбарс" (Нью-Йорк, 1961 йил) романлари, Вамбер Гасконининг "Бобур ва унинг авлодлари..." (Нью-Йорк, 1980 йил) эссе-романи шулар жумласидандир. Ҳиндистонлик Муни Лаъл сса Бобур ва бобурийлар ҳақида 6 та роман ёзган.

Бобур 47 йил умр кўрди. Лекин тинимсиз жангу жадаллар билан долғали ва таҳликали кечган қисқа умри давомида амалга оширган ишлари, ижоди орқали ўз номини абадиятга муҳрлади. Бобурдек аждодимиз билан ҳар қанча фахрлансак, ундан ибрат олсак арзийди.

Ш.ОБИДЖОНОВА

Комилликка даъват

ёхуд "Бобурни тушуниш бахти" рисоласи хусусида

Ҳазрат Навоийда "Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас..." деган шоҳ сатр бор. Мир Алишердек комил зотки, кимнингдир суҳбатига илҳақ экан. Қаранг, илдизимиз нақадар чуқур, томирларимиз нақадар бақувват.

Президентимиз қайта-қайта уқтирганларидек, бой меросимизни ўзлаштириш, келгуси авлодларга етказиб бериш олдимиздаги шарафли вазифадир.

Бугун китобхонлик даражасини юксалтиришнинг ўзи бир қадар муаммоли бўлиб турганидан ҳеч бир зиёли кўз юмолмаса керак.

Донишмандлардан бири "Комил инсон ҳар бир одамнинг комил бўлиши учун қайғуради", деган экан. Шу маънода адиб Лутфулло Маҳмуд ўз асарини ёшлар маънавиятини юксалтиришга бағишлаган ва ўқувчини ўқишга, изланишга, хайрли маънода заҳмат чекишга ундаган. У "Истиқлол сизу биз ёруғ оламга келиб муносиб танилганимиз, лойиқ саналганимиз энг улуғ бахтдир, муқаддас саодатдир", деб ёзади ва ўтган ўн саккиз йилда эришган бемисл натижаларимизни ҳайрат билан таъкидлайди. Шунингдек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Боборахим Машраб каби алломалар ижодий меросининг аҳамиятини ҳам батафсил шарҳлайди.

Рисола Бобурни ўқиш, ўрганиш ва энг муҳими, тушунишга даъват орқали ўқувчини фикрлашга, англашга чақиради.

Лутфулло Маҳмуд рисолада "Бобурнома" мутолаасига кенг ўрин берган. Дарҳақиқат, сизу биз ушбу асарни қай даражада ўзлаштирганмиз? Бебаҳо бу асар ўзбек халқи ўтмишига дахлдор қомусий китоб, ахир. "Бобурнома" мукаммал бадиий, тарихий, илмий, айни пайтда муфассал жуғрофий асар ҳам.

Китобда интернет ва у орқали ёшларимиз онгига тажовуз қилаётган оммавий маданият ҳақида ҳам ўринли мулоҳазалар айтилган.

Китобнинг яна бир фазилати: муаллиф "агар китоб ўқилмаса, осмон узилиб ерга тушади", деб ваҳима кўтармайди, дакки бермайди. Аксинча, китоб мутолаасисиз яшаш мумкин эмаслигини, инсон рўшнолиги ўқиб-ўрганишда, фикрлашда эканини фалсафий мушоҳадалар ҳамда самимият билан етказишга ҳаракат қилади, ёшларни комиллик сари ундаб, аниқ тавсияларни таклиф этади.

Албатта, рисоланинг баҳсли ўринлари ҳам бор ва бу табиий. Чунки кўтарилган масала анчайин жиддий ва уни бир уринишда беками-кўст ҳал этиш мушкул. Шундай бўлса ҳам "Бобурни тушуниш бахти" китоби кўпчиликнинг меҳрига сазовор бўлишига тилакдошмиз.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ

"Respublika Mulk-Auksioni" ДК Бухоро вилояти филиали очиқ Аукцион савдоларига таклиф этади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига асосан аукцион комиссияси иштирокида бошланғич баҳоси қадамба-қадам ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига автотранспорт воситалари қўйилмоқда

2010 йил 16 март куни 14.30 дан бошлаб Бухоро вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳисобидаги "NEXIA GL", д/р 20 BV 250, ранги яшил, бошланғич баҳоси 4 100 000 сўм.

Бухоро Халқаро аэропорти ҳисобидаги "ТИКО", д/р 80/105AA, ранги оқ касабланка, бошланғич баҳоси 1 570 000 сўм.

2010 йил 16 март куни 16.30 дан бошлаб аукцион савдосига Бухоро вилояти ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли автқорхона балансидаги автотарнспорт воситалари чиқарилган:

1. ГАЗ-2413, 1987 йилда и/ч, д/р 20 AG 643, ранги оқ, бошланғич баҳоси 420 000 сўм.
2. ВАЗ-2106301, 1989 йилда и/ч, д/р 20 AD 835, ранги сарик (примула), бошланғич баҳоси 375 000 сўм.
3. ВАЗ-2106301, 1988 йилда и/ч, д/р 20 AG 613, ранги примула, бошланғич баҳоси 220 000 сўм.
4. ВАЗ-2106301, 1988 йилда и/ч, д/р 20 AC 930, ранги серобелый, бошланғич баҳоси 240 000 сўм.
5. **Шофиркон тумани тиббий бирлашмасига қарашли** УАЗ-396201, 1988 йилда и/ч, д/р 20 AO 109, ранги яшил, бошланғич баҳоси 300 000 сўм.
6. **Жондор тумани тиббий бирлашмасига қарашли** ДАМАС, 1997 йилда и/ч, д/р 20 AB 967, ранги оқ, бошланғич баҳоси 840 000 сўм.
7. УАЗ-396201, 1991 йилда и/ч, д/р 20 AB 965, ранги яшил, бошланғич баҳоси 200 000 сўм.

Қайта аукцион савдолари 2010 йил 23, 30 март, 6 апрел кунлари юқорида кўрсатиб ўтилган соатларда Аукцион савдоларига мунтазам равишда чиқарилиб борилади.

2010 йил 17 март куни соат 12.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдоларига Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментининг Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси ҳисобидаги қўйидаги автотранспорт воситалари чиқарилган.

1. 1994 йилда и/ч Jeep Cherokee, д/р 20 AH 495, ранги қизил, бошланғич баҳоси 8 080 000 сўм.
2. 1989 йилда и/ч Jeep Cherokee, транзит рақами 10 I 0897, ранги қора, бошланғич баҳоси 3 920 000 сўм.
3. 1998 йилда и/ч Дамас, д/р 20 AA 281, ранги ультрамарин, бошланғич баҳоси 1 110 000 сўм.
4. 1998 йилда и/ч Тико DLX, д/р 20 AA 224, ранги қизил, бошланғич баҳоси 1 200 000 сўм.
5. 1996 йилда и/ч Тико, д/р 20 AE 231, сиёхранг, бошланғич баҳоси 1 200 000 сўм.
6. 1997 йилда и/ч Тико, д/р 20 AA 177, сиёхранг, бошланғич баҳоси 1 200 000 сўм.
7. 1997 йилда и/ч Нексия GLE, д/р 20 BV 258, ранги оқ, бошланғич баҳоси 1 720 000 сўм.
8. 1997 йилда и/ч Тико, д/р 20 AG 367, ранги яшил, бошланғич баҳоси 1 191 251 сўм.
9. 1997 йилда и/ч Тико, д/р 20 AH 298, ранги ультрамарин, бошланғич баҳоси 995 200 сўм.
10. 1998 йилда и/ч Дамас, д/р 20 AE 950, ранги қора, бошланғич баҳоси 1 191 251 сўм.
11. 1995 йилда и/ч Сиело, д/р 20 AE 950, ранги қора, бошланғич баҳоси 2 182 261 сўм.

Қайта аукцион савдолари 2010 йил 24, 31 март, 7 апрель кунлари юқорида кўрсатиб ўтилган соатларда Аукцион савдоларига мунтазам равишда чиқарилиб борилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қўйидаги ҳужжатларни 2 нусхада топшириш керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 соат олдин тўхтатилади.

Талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 25 фоизи миқдорида "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Бухоро вилоят филиали АТИБ "Ипотека банк" Сардор филиали МФО 00119, СТИР 206761326, 20210000204537599009 ҳисоб рақамига закалат пулини тўлашлари шарт.

Қўшимча маълумот олиш манзили: 200118, Бухоро шаҳри, Ўзбекистон Мустақиллиги кўчаси, 10 уй, 3-қават. Телефон:(8 365) 223-69-62, факс: 770-04-01 E-mail Bux_RMA_DK@Inbox.ru

ЧП "NASTYONA-SLASTYONA" (ИНН 300999584) Учтепинского р-на г.Ташкента сообщает о своей реорганизации и изменении формы собственности в ООО "NASTYONA-SLASTYONA", с переходом всех прав и обязательств ЧП "NASTYONA-SLASTYONA" к ООО "NASTYONA-SLASTYONA". Тел.: 336-05-56, 270-71-48.

Тошкент ш. Ҳамза т. ҳокимлиги томонидан 19.04.2007 йили "CHASHMA SHAROB SAVDO" УК учун берилган УС № 003313 рақамли улгуржи савдо билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги 12.04.2007 йили берилган реестр тартиб рақами 07-000271 сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

СПОРТ

ЧЕМПИОНАТ ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуида самбо бўйича хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Жаҳон ва Осиё чемпионатлари совриндорлари иштирокидаги беллашувлар кескин ва муросасиз кечди.

Ўзбекистон самбо федерацияси томонидан ташкил этилган мусобақада жорий йилнинг июнь ойида ўтказиладиган Осиё чемпионати ва ноябрь ойида бўладиган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган моҳир самбочилар сараланди.

Ўз вазн тоифасида пойтахтлик М.Сатторова, Д.Қамбарова, андижонлик Д.Убайдуллаева, Н.Ҳамдамова, самарқандлик Э.Умарова, Г.Исматова, қашқадарёлик Д.Абдураҳмонова, С.Эштемирова ҳамда хоразмлик Ў.Рўзметова барча рақибаларини мағлубиятга учратиб, олтин медаль билан тақдирланди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

МАКСИМ ШАЦКИХ ЯНГИ МАВСУМНИ ҚАЙСИ ЖАМОАДА БОШЛАЙДИ

Ўтган йилги мавсумни Қозоғистоннинг "Локомотив" клубида ўтказган ўзбекистонлик тўпурар футболчи Максим Шацкихнинг янги мавсумдаги фаолияти номаълумлигича қолмоқда.

Маълумки, ушбу клуб ўтган йили ўз таркибига бир қатор юлдуз футболчилар — россиялик Егорь Титов, Андрей Тихонов, шу жумладан, ҳамюртимиз Максим Шацкихни ҳам қўшиб олиб, катта шов-шув қилганди. Аммо мавсум охирлаб боргани сайин легионерларга "хизмат ҳақи"ни тўлаш борасида муаммолар вужудга келди.

Янги футбол мавсуми арафасида "Локомотив" (Қозоғистон) клубининг футболчилар олдидаги қарздорлик муаммоси Қозоғистон футболидаги можарога сабаб бўлди.

Россиялик легионерлар — Титов ва Тихонов ҳозирда Туркияда ўқув-йиғин машғулотларини ўтказаётган "Локомотив" футбол клуби ихтиёрига келиб қўшилиш ниятида бўлганда уларга рад жавоби берилган ва, ҳатто, клуб истиқомат қилаётган меҳмонхонага ҳам киритилмаган. Шундан сўнг бу икки футболчи клуб билан шартномани бекор қилиш ва қарзни ундириш тараддудига тушган.

Аммо олдинда клуб билан 2010 йил охирига қадар шартномаси бўлган Максим Шацкихнинг мавсумни қайси жамоада бошлаши мавҳумлигича қолмоқда.

ГРИГОРЯН МУРАББИЙЛИК БИЛАН БАНД

Мухлислар томонидан "Қирол Артур" дея ном берилган ўзбекистонлик боксчи Артур Григорян энди рингга чиқолмаслигини маълум қилди.

Аслида Артурнинг профессионал боксдан кетганига анча бўлган. Гап шундаки, 6 март кунига Артур Григорян ва польшалик боксчи Матт Зеган ўртасида реванш жанги бўлиб ўтиши белгиланган эди.

Ушбу икки боксчи ўртасидаги дастлабки жанг етти йил аввал Германияда ўтказилган бўлиб, Артур очколар ҳисоби бўйича ғолиб бўлган рақибига реванш жангини ўтказишга ваъда берган эди.

Матт Зеган бунга рози бўлган, аммо жангни Польшада ўтказиш ва уни баҳолаб борадиган иккита ҳакамнинг польшалик бўлиши каби ғалати шартлар қўйган эди.

Сўнги бор Артур Григорян 2009 йил Universum Box-Promotions компаниясининг 25 йиллик юбилейи шарафига ўтказилган шоу кечасида Киркор Киркоровга карши рингга чиққан эди.

Ушбу реванш жангининг қолдирилишига 42 ёшли Артурнинг ўзи Fight News.com. сайтида чоп этилган интервьюсида шундай дейди: "Мен жон деб Зеганга қарши рингга чиққан бўлар эдим. Ҳатто, тўрт ҳафта давомида жангга тайёрланиб, машғулотлар ўтказдим. Аммо мен шуни англадимки, энди танамни аввалгидай бошқара олмайман ва керакли спорт формамни тиклай олмайман. Ҳозирда мен мураббийлик қиляпман. Ва ўз тарбияланувчиларим, вазифам олдида масъулиятни ҳис қилишим лозим. Агарда жароҳат оладиган бўлсам, мураббийлик фаолиятимда қолиб кетиши мумкин бўлади. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди".

Азиз НУРУЛЛАЕВ

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

"ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ ҚУРИЛИШ БАНКИ"
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТГА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Тошкент шаҳар Бобожонов кўчаси 10-манзилда жойлашган "Ўзсаноатқурилишбанк" Собир Раҳимов филиали янги биносининг қурилиши".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи — қўшилган қиймат солиғи билан **1 895 833 520 сўм**; қўшилган қиймат солиғисиз **1 710 726 610 сўм.**

Қурилиш муддати — **180 кун.**

Қурилиш ишлари: ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — **Тошкент вилояти ҳокимлиги "Тошконсалтингстройторг" давлат корхонаси.**

Буюртмачи манзили: **Тошкент шаҳри Шаҳрисабз кўчаси 3-уй. Тел.: 120-45-01; факс: 233-34-26.**

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қўйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотларининг танлов таклифни баҳолашда маҳаллий қурувчилар учун қўйидаги нарх имтиёзлари қўлланилади: танлов таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифи иштирокчилари томонидан кўрсатилган четдан келтириладиган (ишлар) хизматлар ва шунга асосан ишлар (хизматлар)ни олиб кирувчилар қонунчиликка кўра қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади, кўрсатилган солиқ бўйича нархи ҳисобланади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Тошкент вилояти ҳокимлигининг "Тошконсалтингстройторг" давлат корхонаси**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Тошкент шаҳри А.Навоий кўчаси 18-уй. 308,311-хоналар. Тел: 241-15-26, 241-15-32.

Танлов ҳужжатларининг бир тўплам қиймати — 120 000 (Бир юз йигирма минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Тошкент шаҳри Шаҳрисабз кўчаси 3-уйда ўтказилади.

ООО "TOSHAVTOPARKOVKA" (ИНН 203054795), зарегистрированное реестром 000422-03 от 07.07.2004 г. отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского р-на г.Ташкента, расположенное по адресу: г.Ташкент Мирабадский р-н ул.Моворауннахр д.11, сообщает о ликвидации предприятия. Претензии принимаются по тел.: 269-02-47.

ЧП "TRIAL EXPRESS SERVIS" сообщает о смене формы собственности предприятия на ООО "TRIAL EXPRESS SERVIS" (ИНН 206555684). Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент Мирабадский р-н ул.Саракульская д.95 кв-ра 6. Тел.: (99897) 111-02-95.

ООО "ORION ELIT BIZNES" (код по ОКПО 23022889, ИНН 301372709), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г.Ташкента, расположенное по адресу: ул.Гулистон-3, д.52, ликвидируется (протокол собрания № 3 от 10 февраля 2010 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 711-94-59.

Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. Сузук ота к. 97-хонадон эгаси Аскаров Исраил Аблкасимович номига берилган уй-план ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Бош муҳаррир
Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ

Зафар РЎЗИЕВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Гуломжон ИБРАГИМОВ, Саид АРАБОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илҳом ҲАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдурахмат БОЙМУРОДОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шухрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ, Ҳакимжон УМАРХЎЖАЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Агитай АДИЛОВ, Гофир АЛИЕВ, Тўланбой КАРИМОВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Ўткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жўманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими— 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21. Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – 352-54-58; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 593-27-57; Жиззах – 366-61-16; Навоий – 224-69-08; Наманган –224-81-69; Самарқанд – 222-29-97; Сирдарё – 588-06-89; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 520-69-14; Қашқадарё – 221-59-40; Сурхондарё – 392-50-42.

Реклама ва эълонлар – 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
①-тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Навбатчи: Д.КИРҒИЗБОЕВ
Мусаҳҳих: С.ҚОДИРОВ
Дизайнер: Ю.МИХАЙЛОВСКИЙ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-117, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.25
20030 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4